

---

“Каримдевона” маҳалласининг қарийб 2 минг 500 метр тош-тупроқли ички йўллари таъмирланиб, шағал ётқизилди

Ўзбекистон туманида маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, бу орқали эса аҳолига қулайлик яратишга қаратилган тадбирлар давом этмоқда. Бу борада туман ҳокимлиги, секторлар ишчи гуруҳлари ва маҳалла фаоллари ҳамкорлигига муайян ишлар бажарилмоқда.

Ана шу тадбирлар доирасида “Каримдевона” маҳалласидаги ёзда чанг, қишида эса лой бўлувчи қарийб 2,5 км ички йўллар таъмирланиб, шағал қопламаси ётқизилди.

Амалий жараёнлар туман ҳокимлиги, Ободонлаштириш бошқармаси кўмаги ва маҳалла фидоийларининг ташабbusи билан ҳомийлик асосида амалга оширилди.

2024-10-07 10:57:59